



Ипотека кредитлари шарҳи

2023 йил I чорак
учун

Апрель 2023, Тошкент

МУНДАРИЖА

1	Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳолати.....	2
2	“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари.....	9
3	Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари	11
4	Ипотека кредитларининг қайтувчанлик ҳолати.....	13
5	Кўп квартирали уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолати.....	14

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти томонидан тайёрланган.

Фикр ва таклифларингиз учун:

Электрон манзил: sxolmurodov@cbu.uz

Тел.: (71) 212 60 99 (ички-26372)

I. Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳолати

2023 йил I чорагида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари 3,3 трлн.сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **1,2 баробарга** ошди ҳамда уларнинг қолдиғи жорий йил 1 апрель ҳолатига **48,2** трлн. сўмга (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп) етди. Бунда, мазкур кредитларнинг аҳолига ажратилган жами кредитлар қолдиғидаги (109,4 трлн.сўм) улуши **44** фоизни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал. Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари

	2021 йил I чорак	2022 йил I чорак	2023 йил I чорак
Ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	1 578,3	2 827,9	3 259,8
- бирламчи бозорда	1 349,9	2 459,6	2 034
- иккиламчи бозорда	228,4	368,3	1 225,8
“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	787,4	1 610,8	1 736,6
- 1 ва 2 хонали квартира учун	374,5	816,6	1 001,1
- 3 ва ундан кўп хонали квартира учун	406	693,9	576,5
- якка тартибдаги уй-жойлар учун*	7	100,3	159
Банк ўз имкониятлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	235,8	508,3	764
“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	183,6	40,7	521,3
- бирламчи бозордага уй-жойларга	0,5	0,6	
- иккиламчи бозордаги уй-жойларга	182,3	38	508,4
- уй-жойни таъмирлашга	0,8	2,1	12,9
Ипотека кредитлари қолдиғи, трлн. сўмда	01.04.2021й.	01.04.2022й.	01.04.2023й.
	29,4	37,6	48,2

2023 йилнинг дастлабки 3 ойида аҳолининг ипотека кредитлари орқали уй-жой сотиб олишга бўлган талаби юқорилигича сақланиб қолаётганлигини:

- асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг сезиларли ўсиши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулотни 5,5 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 3,3 фоизга ҳамда асосий капиталга бўлган инвестицияларнинг 3,1 фоизга ўсиши);
- аҳолининг реал даромадлари ўсиш суръати **10,8 фоизни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,9** фоиз бандга юқори бўлиши;
- республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш ишларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,5** га ўсиши;
- “Янги тартиб”¹ доирасида ипотека кредитлари ажратиш тартибининг соддалаштирилиши, жумладан, биргаликда қарз оловчи сифатида бошқа жисмоний шахсларни жалб қилиш ҳуқуки берилиши ҳамда қарз юки кўрсаткичига нисбатан белгиланган талабларнинг бекор қилиниши² билан изоҳланади.

Ҳисобот даврида аҳолига ажратилаётган ипотека кредитларини молиялаштиришда банкларнинг ўз маблағларини аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини қайд этиш лозим. Ҳусусан, **тижорат банклари ўз маблағлари** ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитлари ҳажмидаги улуши 2022 йилнинг мос давридаги **18** фоиздан **23,4 фоизгача** ошган бўлса, мазкур даврда “Янги тартиб” доирасида ажратилган кредитларнинг улуши **57** фоиздан **53** фоизгача пасайди.

Ажратилган жами ипотека кредитларининг **2** трлн. сўми ёки **66** фоизи (*ипотека шартномалари сонига нисбатан*) **бирламчи бозордаги** уйлар, **1,3** трлн. сўми ёки **34** фоизи **иккиламчи** бозордаги уйлар сотиб олишга йўналтирилган

([1-жадвал](#)).


Шунингдек, 2023 йилнинг январь-март ойларида нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалар сони **61,6 мингтани** ташкил этиб, уларнинг **15,1 мингтаси** ёки жами олди-сотди шартномаларнинг **25 фоизи** ипотека кредитлари ҳисобидан молиялаштирилган шартномалар ҳиссасига тўғри келади ([1-расм](#)).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармони билан жорий этилган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ресурс маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратишнинг “Янги тартиби”.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 ноябрдаги ПФ-33-сонли Фармонига мувофиқ фуқароларга “Янги тартиб” тартиб доирасида ипотека кредитлари олишда, биргаликда қарз олучи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни жалб қилиш ҳуқуки берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 601-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ажратиша қарз юкининг юқори чегараси бекор қилинди.


**1-расм. Нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган
уй-жой олди-сотди шартномалари ва ажратилган
жами ипотека кредитлари сони**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

2023 йил 1 апрель ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари қолдигининг (48,2 трлн.сўм) **6,9** фоизи (3,4 трлн. сўм) **2011-2016** йилларда, **86,8** фоизи (41,8 трлн. сўм) **2017-2022** йилларда ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келса, **6,2** фоизи (3 трлн. сўм) **2023 йилнинг I чораги** ҳиссасига тўғри келади.


**2-расм. 2023 йил 1 апрель ҳолатига ипотека кредитлари қолдигида
банкларнинг улуши, фоизда**



Шунингдек, ипотека кредитлари қолдигининг банклар кесимидағи улуши **Ипотека банкда 25,3** фоизни (*12,2 трлн. сўм*), **Қишлоқ қурилиш банкда 20,6** фоизни (*9,9 трлн. сўм*), **Миллий банкда 15,7** фоизни (*7,5 трлн. сўм*), **Ўзсаноатқурилишбанкда 8,9** фоизни (*4,3 трлн. сўм*), **Халқ банкида 7,3** фоизни (*3,5 трлн. сўм*), **Асакабанкда 6,7** фоизни (*3,2 трлн. сўм*) ҳамда **бошқа тижорат** банкларида **15,5** фоизни (*7,5 трлн. сўм*) ташкил этмоқда (*2-расм*).

Ипотека кредитлари қолдигининг тижорат банклари кредит портфелидаги энг юқори улушлар **Қишлоқ қурилиш банк** (*48,2* фоиз), **Ипотека банк** (*37,3* фоиз), **Ориент финанс банк** (*33,7* фоиз), ва **Халқ банкида** (*16,2* фоиз) қайд этилган бўлса, ушбу кўрсаткич **Микрокредитбанк ва бошқаларда** мос равишда **6,0** ва **2,7** фоизга тенг бўлди (*3-расм*).

3-расм. Ипотека кредитлари қолдигининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда




2023 йил 1 апрель ҳолатига ипотека кредити қолдиғи таркибида узоқ муддатли ипотека кредитларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан улуши сезиларли даражада ўсди. Хусусан, ушбу кўрсаткич **10** йил муддатгача ажратилган ипотека кредитларида **7,8** фоиз (*2,2* фоиз бандга ўсган), **20** йил муддатгача ажратилган ипотека кредитларида эса **74,4** фоизга (+*3,8* фоиз) тенг бўлди.


Шу билан бирга, **15** йил муддатгача ажратилган ипотека кредитларининг улуши **23,3** фоиздан **17,3** фоизга пасайди. Мазкур пасайиш тенденциясини бевосита **20** йилдан кам муддатга ажратилаётган ипотека кредитлари тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилаётганлиги ва ушбу ипотека маҳсулотлари асосий қисмининг муддатлари **10** йил сифатида белгиланганлиги билан изоҳланади (*4-расм*).

4-расм.

2023 йил I чораги бўйича ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда



2022 йил I чораги бўйича ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда




2023 йил I чорагида ажратилган ипотека кредитларининг (3,3 трлн. сўм) **1 974,3** млрд. сўми (жами ажратилган ипотека кредитларининг 61 фоизи) марказлашган маблағлар³, **764,0**. млрд. сўми (23 фоизи) тижорат банкларининг ўз маблағлари, **521,6** млрд. сўми (16 фоизи) эса “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган.

Бунда, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **15** фоиз бандга (480,9 млрд. сўмга) ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар улуши **5** фоиз бандга (255,7 млрд. сўмга) ошган бўлса, марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг улуши **20** фоиз бандга (304,5 млрд. сўм) пасайган ҳолда юқори таркибий ўзгаришлар қайд этилди ([5-расм](#)).

³ Марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитлар сифатида “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари шунингдек, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК МЧЖ томонидан қурилган уй-жойларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг умумий йиғиндиси кўрсатилган.


5-расм. 2020 – 2022 йиллар ва 2023 йил I чорагида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, фоизда



Мазкур таркибий ўзгаришларни бевосита сўнгги йилларда аҳолига келгусида ипотека кредитлари ажратиш учун тижорат банкларини барқарор ресурс манбалари билан таъминлашга қаратилган чоралар натижаси билан боғлаш мумкин.

Шунингдек, ҳисобот даврида ажратилган ипотека кредитларининг **62** фоизи **5 та** худудлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг **31,3** фоизи (**1 020** млрд. сўм) **Тошкент шаҳри**, **9** фоизи (**292,7** млрд. сўм) **Тошкент**, **7,4** фоизи (**242,2** млрд. сўм) **Навоий**, **7,3** фоизи (**237,4** млрд. сўм) **Самарқанд** ва **7,1** фоизи (**230** млрд. сўм) **Фарғона** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган (**6-расм**).



6-расм. 2023 йил 3 ойида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Жорий йилнинг дастлабки 3 ои давомида **тижорат банклари** ўз **маблағлари** ҳисобидан **400** млн. сўмдан юқори ҳажмда ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитлари таркибидаги улуши **12,7** фоизни (*ўтган йилга нисбатан 8 фоиз бандга ошган*), **300-400** млн. сўмгача **5,6** фоизни (+3,3 фоиз), **200-300** млн. сўмгача **4,7** фоизни (+2,9 фоиз) ташкил этганлиги кузатилди.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 400 млн. сўмдан **юқори** ҳажмда ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **5,5** фоизга (*ўтган йилга нисбатан 2,5 фоиз бандга ошган*), **300-400** млн. сўмгача **22,6** фоизга (+3,9 фоиз), **200-300** млн. сўмгача **32** фоизга (-10,7 фоиз) тенг бўлди (**7-расм**).


7-расм. Давлат бюджети ҳамда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларнинг миқдорига кўра таркибий улуши, фоизда

2023 йилнинг I чораги**2022 йилнинг I чораги**

II. “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2023 йилнинг январь-март ойлари мобайнида “Янги тартиб” доирасида 7 934 нафар фуқароларга жами 1 736,6 млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг 1 001,1 млрд. сўми (58 фоизи) 1 ва 2 хонали квартира, 576,5 млрд. сўми эса (33 фоизи) 3 ва ундан кўп хонали квартиralарни, шунингдек, 159 млрд. сўми (9 фоизи) якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун берилган.


8-расм. “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент шаҳри** (548,7 млрд. сўм), **Фарғона** вилояти (134,1 млрд. сўм), **Андижон** вилояти (130,5 млрд. сўм), ҳамда **Самарқанд** вилояти (121,6 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда (8-расм).

Шу билан бирга ажратилган ипотека кредитларининг **32** фоизи **Халқ банки** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 481,2 млрд. сўмга кўп), **15,7** фоизи **Ориент финанс банк** (+139,7 млрд. сўм), **15,6** фоизи **Ўзсаноатқурилишбанк** (+237,3 млрд. сўм), **12,3** фоизи эса **Ипотека банк** (-242 млрд. сўм) томонидан ажратилган (9-расм).

9-расм. 2022-2023 йилларнинг I чорагида “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан ахолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



2020-2022 йиллар ва 2023 йилнинг I чорагида **“Янги тартиб”** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг (75 881 нафар фуқароларга 16,8 трлн. сўм) **40,3** фоизи (30 589 нафар фуқароларга 7,2 трлн. сўм) уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

Мазкур кредитларнинг **1 356,8** млрд. сўми (**18,9** фоизи) **Самарқанд**, **881,5** млрд. сўми (**12,3** фоизи) **Сурхондарё** вилоятлари, **811** млрд. сўми (**11,3** фоизи) **Тошкент шаҳри**, **777,6** млрд. сўми (**10,8** фоизи) **Фарғона** вилоятида истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.

2023 йил I чорагида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган **609,2** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитларини “**Янги тартиб**” доирасида ажратилган ипотека кредитлари миқдоридаги улуши **31** фоизни (сонига нисбатан) ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига (50 фоиз) нисбатан **19** фоиз бандга (206 млрд. сўмга) пасайган.

Мазкур кредитларнинг **92** млрд. сўми **Тошкент шаҳри** (2023 йил I чорагида ажратилган субсидияли кредитларнинг 15,1 фоизи), **88** млрд. сўми **Самарқанд** (14,4 фоиз), **61** млрд. сўми **Тошкент** (9,9 фоиз) ва **58** млрд. сўми **Андижон** (9,6 фоиз) вилоятларида истиқомат қилувчи кам даромадли ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларга йўналтирилди (10-расм).

10-расм. “Янги тартиб” доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




III. Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

2023 йил 1 апрель ҳолатига тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғи **10** трлн. сўмни ташкил этиб (жами ипотека кредитлари қолдиғининг 21 фоизи), уларнинг асосий қисми **Қишлоқ қурилиш банк** (15 фоизи ёки 1 492 млрд. сўми), **Миллий банк** (13 фоизи ёки 1 290 млрд. сўми), **Халқ банки** (11,8 фоизи ёки 1 183 млрд. сўми) ҳамда **Ипотека банк** (11,6 фоизи ёки 1 165 млрд. сўми) томонидан ажратилган ипотека кредитлари ҳисобидан шаклланган.

Эътиборлиси, **хусусий тижорат банкларининг** ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари қолдиқларидағи улуши жами ажратилған ипотека кредитлари қолдиқларидағи улушига нисбатан сезиларли даражада юқори шаклланди.

Хусусан, **Ориент финанс банк** ва **Инвест финанс банкларнинг** ўз маблағи ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари қолдиғидаги улуши мос равишда **7,2** фоиз ва **9,1** фоизни ташкил этиб, бу борада қатор давлат улуши мавжуд тижорат банкларидан юқори ҳиссага эга бўлди (**11-расм**).

11-расм. 2023 йил 1 апрель ҳолатига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилған ипотека кредитлари қолдиғидаги улуши, фоизда




2023 йилнинг 3 ойи мобайнида тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан **2 790** нафар фуқарога **764** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратган ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **1,5** баробарга (**255,7** млрд. сўмга) ўsgан.

2023 йилнинг I чорагида **Инфин банк** **357** млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,3 баробарга ошган), **Ўзсаноатқурилишбанк** **92** млрд. сўм (+11,7 баробар), **Миллий банк** **75** млрд. сўм ва **Ориент Финанс банк** **62** млрд. сўм миқдорида ипотека кредитларини ўз маблағлари ҳисобидан ажратган (**12-расм**).

Ажратилған кредитларнинг **8** млрд. сўми **5** йилгача муддатга (31 нафар фуқарога, жамига нисбатан 1 фоиз), **547,5** млрд. сўми **10** йилгача муддатга (2 058 нафарга, 74 фоиз) ва **208,4** млрд. сўми **15** йилгача муддатга (701 нафарга, 25 фоиз) берилган.

**12-расм. 2022-2023 йилларнинг I чорагида тижорат банклари
ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, фоизда**



IV. Ипотека кредитларининг қайтувчанлик ҳолати


2023 йилнинг январь-март ойларида 234 минг нафар фуқароларнинг жами 1,2 трлн. сўм миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилган бўлиб, шундан, 6,3 минг нафар фуқароларнинг 449,2 млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари тўлиқ сўндирилган.

Сўндирилган ипотека кредитлари қарздорликлари **Ипотека банкда 266,6** млрд. сўмни (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 21,7 фоизи), **Қишлоқ қурилиш банкда 224,8** млрд. сўмни (18,3 фоиз), **Миллийбанкда 148,7** млрд. сўмни (12,1 фоиз), **Халқ банкida 147** млрд. сўмни (11 фоиз) ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида сўндирилган ипотека кредитлари **Тошкент шаҳрида 397,4** млрд. сўмни (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 32,3 фоизи), **Қорақалпоғистон Республикасида 83,4** млрд. сўмни (6,8 фоиз), **Қашқадарёда 77,6** млрд. сўмни (6,3 фоизи) ва **Самарқандда 89,3** млрд. сўмни (7,3 фоизи) ташкил этди.

2023 йилнинг 3 ойида ипотека кредитларининг қайтувчанлик даражаси **35,5** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (25,9 фоиз) нисбатан **9,6** фоиз бандга ошган.

13-расм. 2023 йил I чорагида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача муддати **15** йилни, тўлиқ сўндирилган ипотека кредитларининг ўртача фойдаланиш даври эса **6,7** йилни ташкил этган.

Ажратилган ипотека кредитларидан фойдаланишнинг энг узоқ даври **Наманганда 8,1** йилни (ажратилган кредитларнинг ўртача муддати 14,6 йил), **Хоразмда 7,7** йилни (15,2 йил), **Андижонда 7,7** йилни (14,6 йил) ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қорақалпогистон Республикасида 5,4** йилга (14,7 йил), **Тошкент шаҳрида 3** йилга (16,3 йил) тенг бўлди.

V. Кўп квартирали уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолати

Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун 2023 йил I чорагида **225** млрд. сўм (2021 йилнинг I чорагида **324,8** млрд. сўм ва 2022 йил I чорагида эса **155,4** млрд. сўм) миқдоридаги кредитлар ажратилиб, 2023 йил 1 апрель ҳолатига уларнинг қолдиғи **2 942,8** млрд. сўмни ташкил этди. (2-жадвал).

2-жадвал. Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашга доир умумий маълумотлар


	2021 йил I чорак	2022 йил I чорак	2023 йил I чорак
Ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўмда	324,8	155,4	225
- пудрат ташкилоти сони	72	68	103
- қуриладиган уй-жойлар сони	103	108	171
- қуриладиган хонадонлар сони	5 764	5 138	6 091
Ажратилган кредитлар қолдиги, млрд. сўмда	01.04.2021	01.04.2022	01.04.2023
- пудрат ташкилоти сони	1 643,8	1 754,3	2 942,8
- қурилган уй-жойлар сони	242	280	533
- қурилган хонадонлар сони	304	397	995
	16 703	19 415	46 529
Жамғарма томонидан берилган кафиллик компенсация миқдори, млрд. сўмда	112,2	304,3	456
Ўртacha кредит миқдори млрд. сўмда	10,2	6,6	5,7
Ўртacha кредит муддати (ойда)	27,3	20,1	21,6
Фойдаланишга топширилган уйлар			
- уй-жойлар сони	14	17	19
- хонадонлар сони	636	1 244	633
Қурилиши тугалланмаган уйлар			
- уй-жойлар сони	247	417	714
- хонадонлар сони	13 594	18 983	37 060

2023 йилнинг I чорагида пудрат ташкилотларига ажратилган кредитларнинг (225 млрд. сўм) **27** фоизи (60,7 млрд. сўм) **Самарқанд**, **25,1** фоизи (56,4 млрд. сўм) **Сурхондарё** вилоятлари ва **18,3** фоизи (41,2 млрд. сўм) **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳиссасига тўғри келади.


Ажратилган кредитларнинг **32** фоизи (73 млрд. сўми) “Янги Ўзбекистон” массивларида **556** та квартирали **26** та уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун йўналтирилган.

2023 йил 1 апрель ҳолатига кредитлар қолдигининг ҳудудлар кесимида асосий қисми **Сурхондарё** (17,8 фоиз), **Самарқанд** (11,1 фоиз) вилоятлари, **Тошкент шаҳри** (10 фоиз), банклар кесимида эса **Қишлоққурилишбанк** (30,6 фоиз), **Миллийбанк** (12,2 фоиз) ва **Ипотекабанк** (10,8 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда (**14, 15-расмлар**).

14-расм. Пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар қолдиғида худудларнинг улуши, фоизда



15-расм. 2017-2022 йилларда пудрат ташкилотларига кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар қолдиғида банкларнинг улуши, фоизда



Ажратилган кредитлар қолдиғини муддатлар кесимида таҳлил қилганда уларнинг **5** фоизи 2018-2019 йилларда, **39** фоизи 2020-2021 йилларда ҳамда **56** фоизи 2022 йил ва 2023 йилнинг I чорагида ажратилганинги қуриш мумкин.

Шунингдек, ушбу кредит қолдиқларининг **49** фоизи 2023 йил, **38** фоизи 2024 йил, **10** фоизи 2025 йил ҳамда **3** фоизи 2026 йил якунига қадар шартномада белгиланган графикка асосан ёпилиши кутилмоқда (**16-расм**).

16-расм.

Пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар қолдигининг муддатлар бўйича таҳлили



Пудрат ташкилотларига ажратилган кредитларнинг сўндирилиш муддатлари бўйича таҳлили

